

ЎЗБЕКНИСТОН

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокию» номи билан асос солинган

ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

1993 йил 30 апрель, жума

Нархи: 10 сўм
№ 77-78
(21.429)

ЎЗБЕКИСТОН—ГЕРМАНИЯ:

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

ПАТА — ТАСС мухбирининг Бонндан хабар қилишича, 27 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов Германия пойтахтига етиб келди.

28 апрель кuni расмий учрашувлар бошланди. Ўзбекистон раҳбарининг ГФР Федерал Президенти Рихард фон Вайцеккер билан суҳбати чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди. Рихард фон Вайцеккер ҳозирги пайтда ГФР ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни тараққий эттиришга кенг имкониятлар очилганини таъкидлади. Ўзбекистондаги немиш қавмига қадимий ибодатхона биноси қайтарилгани учун миннатдорлик изҳор этди.

Ислон Каримов суҳбат давомида туб жой аҳоли билан Ўзбекистондаги немиш миллатига мансуб фуқаролар ўртасида самимий, аҳил муносабатлар қарор топангани айтиб ўтди. Ҳозир республикада 40 минг немиш яшайди. Ўзбекистон раҳбари ГФР Президентига республикада амалга ошириладиган иқтисодий ислохот ҳақида суҳлаб берди. Германия бу ислохотлар жараёнини қўллаб-қувватлайди, деб умид билдирди.

Сафар дастурида ГФР Президентини Гельмут Коль ва вице-канцлер ва идоралар раҳбарлари, мамлакат савдо-саноат доиралари вакиллари

билан учрашувлар ҳам кўзда тутилган.

БОНН. 29 апрель (ЎзАнинг махсус мухбири хабар қилади). Ўзбекистон Президентининг Германия Федератив Республикасига расмий сафари давом этмоқда. Аввал хабар қилинганидек, Ислон Каримов кеча Германия Федерал Президенти Рихард фон Вайцеккер ва федерал канцлер Гельмут Коль билан учрашди ҳамда бафуржа суҳбатлашди.

Ўзбекистон Президентининг, шунингдек, Германия савдо-саноат палаталари бирлашмаси аъзолари — ишбилармонлар ва тадбиркорлар билан учрашди. Уларга Ўзбекистондаги ислохотлар, иқтисодийта онд қабул қилинган қонуналар, республиканинг иқтисодий салоҳияти ҳақида суҳлаб берди, қўллаб-қувватловга жавоб қайтарди.

Кеча И. Каримов «Петербург» қароргоҳида Конрад Аденауэр номидаги жамағарма раиси Верд Лаггтутини, Германия иқтисодий ҳамкорлик ва тараққийет федерал вазири Карл-Дитер Шпрангерини, Германия ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкельни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлари ўртасида маданий ҳамкорлик, сармояларни муайян қонуналар асосида ҳимоя қилиш, ўзаро иқтисодий ёрдам жамағармаси тузиш ҳақида битимлар имзоланди.

«Шуни рўй-рост айтишим кераки, — деб таъкидлади И. Каримов мухбирлар билан суҳбатда, — Биз ГФРга қарз сўраб ёки қандайдир вақтинчалик кўмак берилишини илтимос қилиб келганимиз йўқ. Мақсадимиз — узоқ муддатли, мустаҳкам ҳамкорлик учун замин яратишдан иборат. Кечяги мулоқотларимиз, ҳусусан, савдо-саноат доираларининг намоёндалари билан учрашувларимиз немиш саноатчилари ва ишбилармонлари, шунингдек, зиёлилари, маданият ва фан арбоблари Ўзбекистон билан муносабатларини ривожлантиришга қизиқиб қарайётганини кўрсатди. Иқтисодий ва ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун қўлай имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон — хом ашёга бой ўлка. Мамлакатимизнинг катта бир хазина деса бўлади. Германияда эса юнсақ даражада ривожланган технология, замонавий техника, энг муҳими — савдо-саноатни ривожлантириш имкониятлари бор. Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё бозорини Германия ишбилармонларини гоят қизиқтирмақда, кеча биз бунга ишонч ҳосил қилдик».

Ўзбекистон Президентининг сўзини давом эттириб, яна қуйидагиларни айтди: «Ўзбекистонда, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга бўлган Германия жаҳон иқтисодийта ҳам, сивасатда ҳам турмак эътибор қозongan. Германия».

ликлар Ўзбекистонни унчалик билишмайди. Сафаримизнинг энг муҳим мақсади мамлакат жамоатчилигини Ўзбекистон билан, унинг ҳозирги ва келгуси режалари, мақсад ва вазифалари билан таништиришдан, шу тариқа ГФР жамоатчилигини Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлашдан иборат.

ГФР Президентининг билан канцлери Ўзбекистондаги, бутун Марказий Осиё минтақасидаги аҳвол билан қизиқдилар, деди сўнгра И. Каримов. Мен уларга келажакимизни нақадар дадил барпо этаётганимиз, конституцияимиз тўғрисида, бозор иқтисодиётимизга ўтаётганимиз ҳақида гапириб бердим. Энди Ўзбекистонни ўтмишга қайтариб бўлмаслигини айтдим. ГФР билан Ўзбекистон ҳамкорлигининг сиёсий жиҳатларини муҳокама қилиш натижасидан ҳар иккала томон мамнун бўлди.

«Биз ҳозирнинг ўзидаёқ ГФРга таърифимиз муваффақиятли бўлди, деб ишонч билан айта оламиз», деди сўзининг охирида Ўзбекистон Президентини.

Бугун эрталаб «Сименс» фирмаси вакиллари билан учрашган, Ўзбекистон Президентини бошлиқ давлат делегацияси Штутгарт шаҳрига жўнаб кетди. У ерда жаҳонга машҳур «Мерседес-Бенц» ва бошқа норхоналар фаолияти билан танишиш кўзда тутилган.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН
ОВОЗИНИНГ
75 ЙИЛЛИГИГА



Умарали ҚўШОВОҚОВ.

ЧЎЛДА ЧАМАН УНДИРГАН ЛОЧИН

Сиз суратда кўриб турган неваралари даврасидаги отахон бутун серкўёш мамлакатимизда машҳур пахтакорлардан бири Эгамберди Ботировдир. У 50 йилдан ошдики, пахтакорлик касбин ардоқлайди. Меҳнаткаш, ишбилармон, дилкаш бу отахон 80 ёшдан олганга қарамай, тетик ва бардам. Ҳамон Шароф Рашидов районидан Шароф Рашидов номи давлат хўжалигида бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлайди.

Эгамберди ота нанки машҳур пахтакор сифатида, балки Улуғ Ватан уруши йилларида мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган қаҳрамон сифатида ҳам элга танилган. Кўксигаги қатор орден ва медаллар шундан далолат бериб турибди.

У урушдан кейин меҳнатда жасорат кўрсатди. Кўп йиллар давомида Жиззах районидан Ленин номи жамоа хўжалигига раислик қилди. У раҳбарлик қилган хўжалик жўнаб кетган намуна эди. Лекин Мирзачўлдин обод қилишдек эзгу ният унга тинчлик бермасди.

Зеро, у чўлдаги шон-шухрат учун эмас, қалб даъвати билан отланганди. Узиға ўхшатган ҳақиқий ватанпарварларни, юрагида ўти бор йиғиларни ёнига олиб, Мирзачўлдин обод қилишда фаол иштирок этди. Уста пахтакор сифатида довг таратди.

Эсингизда бўлса 70-йилларда республикаимизда сохта шон-шухратга интилувчилар кўпайиб қолганди. Масалан, Ўзбекистон ССРнинг 50 йиллигига 50 центнердан, 60 йиллигига 60 центнердан ҳосил кўтариш учун «курашаётганлар» сафи кенгайиб кетганди. Кейинчалик сохта ҳосилдорлик сири очилиб қолди. Лекин Эгамберди Ботиров эса ҳамнаса ҳалол йўл билан пахта етиштирди.

Бугунги кунда Эгамберди Ботиров бошлиқ бўлиб аъзолари пахта яқка зироатчилигига қарини курашини кучайтириб юборишди. Лекин экин майдонлари қисқартирилса ҳам ялли ҳосил камайгани йўқ. Пахтадан бўшган майдонларда эса савдо-саноат полизи экенилари жойлаштирилиб, мўл-ҳосил етиштирилмоқда. Ҳозиргача қўллаб-қувватлов ҳам бўлиб этилди.

Ҳа, Эгамберди Ботиров гиеҳ уймайдиган чўлда чаман ундирди. Пахтазору ботировлар бўлиб эди. Шу билан бирга у самимий ва дилкаш инсон сифатида маҳалладошлари орасида обрў-эътибор қозongan. Унинг 11 фарзанди, 50 дан зиёд неварачеваралари бор. Булар машҳур пахтакор Эгамберди Ботировнинг, қолверса, мустақил Ўзбекистонимизнинг келажакдир.

Ш. МИРҲАБИВОВ.

КЕЛАЖАК ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Термиз таъмирлаш механика заводида оқиқ партия мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда завод меҳнат жамоаси ҳам иштирок этди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев «Ўзбекистон Республикаси Президентини, ХДП раиси И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажак буюк давлат» ривосласи ва бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Музокараларда иштирок этган меҳнат жамоаси вакиллари муҳокамадан кейин чиққан вазифалар, ҳозирги куннинг долзарб муаммолари, заводнинг истиқбол тўғрисида сўз юритилган ҳамда жамоа олдига турган вазифаларини аниқлаб олдлар. Мажлисда вилот партия кенгашининг котиблари Х. Э. Эрматов ҳамда Ш. Юнусов, шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Э. Диевлар ҳам иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ҚАБУЛ

29 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулхўшим Муталов Швейцариянинг Сиба-Гейги кимё саноати концерни фармацевтика бўйича Шарқий Европа ва МДХ давлатлари минтақавий директори Жак Мрозович бошлиқ делегацияни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Жак Мрозович Сиба-Гейги концерни директорини олтишдан ортиқ мамлакатига ўз корхоналарига элганини, у ишлаб чиқараётган дори-дармонлар, маҳсулотлар инсон саломатлигини тиклашда, халқ хўжалигида, шунингдек, атроф муҳитини муҳофаза этишда кенг қўлланиб келаяётганини маълум қилди.

Республика Бош вазири А. Муталов меҳмонларга миннатдорлик изҳор қилар экан, бундай ҳамкорлик Швейцария ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг ривожланишида муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Республика Президентининг масъул ходими, Ўзбекистон халқ шонир Омон Маточон юбиларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ерлигини «отпирди».

Шундан сўнг Шухратнинг «Беш кунлик кўё» пьесаси асосида сахналаштирилган спектакль намойиш этилди.

КУН ТАРТИБИДА— ФУТБОЛ МУАММОЛАРИ

28 апрель кuni Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси ижроқўмитининг мажлиси бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг йиғинида қабул қилган қарорини асосида футболни ривожлантиришнинг энг муҳим муаммолари кўриб чиқилди. Мажлисда республика Бош вазири, футбол федерациясининг Президентини А. Муталов раислик қилди.

Футбол ташкилий тузиллини такомиллаштириш, спорт базасини яхшилаш, футболчилар ва устозлар тайёрлаш савиясини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Республика федерацияси Ниёзмига Халқаро футбол федерациясини қондаларига мувофиқ таклиф этилган ўзгарттилар ва қўшимчалар кўриб чиқилди.

(ЎзА).


(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ЙЎЛИДАН БОРАВЕРАДИ

«Ўзбекистон» нашриётни мамлакатимиз Президентини И. А. Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» номли янги китобини босмадан чиқарди. Ундан Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг «Комсомольская правда» бош муҳаррири В. Фронин саволларига жавоблари (1993 йил 12 февраль) ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги хорижий мухбирлар Халқаро уюшмаси аъзолари билан шу йил 4 мартда Тошкентда бўлиб ўтган суҳбати материаллари ўрин олган.

Шунингдек, китобда Ислон Каримовнинг матбуот конференцияси муносабати билан турли оммавий ахборот воситаларида, чунончи, «Ўзбекистон овози» газетасида республикаимиз меҳнакашлари бидирган фикр-мулоҳазалар эълон қилинган.

«Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» китоби оммавий нусхада босилган бўлиб, у кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



НОИБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

28 апрелда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг биринчи котиби М. М. Расулов Наманганда бўлди. У вилотдан сайланган Ўзбекистон халқ ноиблари билан учрашди ва янгида иш бошлайдиган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси кун тартибиданги масалалар хусусида фикр алмашди.

М. М. Расулов ноибларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Ф. ИҶЛЧИЕВ.

МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА МАҚТУБЛАР

Қадри Ислон Абдуғаниевич!

Биз, энгил саноат ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг вакиллари Ўзбекистон энгил саноат давлат уюшмасининг кенгайтирилган кенгаши мажлисида Сизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истисқол ва тараққийет йўли», «Ўзбекистон — келажак буюк давлат» китобларинингизни муҳокама қилиб, меҳнат жамоалари номидан жамиятимизни янгилашнинг иқтисодий ҳимоясига қаратилган бозор иқтисодиётини кўрши ва истисқол Ўзбекистонини маънавий-ахлоқий тараққий эттиришнинг асосланган дастурини, Сизнинг доно, аниқ-равшан йўналишини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз.

Сизнинг ташаббусингиз билан тузилган Ўзбекистон энгил саноат давлат уюшмасининг дастлабки фаолиятдан бошлаб биз ишининг усул ва услубларини такомиллаштиришга бориб, бозор иқтисодиётига ўтишга тайёрларини кўрмоқдамиз. Бунда тармоқнинг техникавий қайта қурулганлигини йўлидан қатъий боришимиз. Бу соҳада биз ҳамини Сизнинг амалий кўмагингиз ва қўллаб-қувватлаётганлигингизни ҳис қилиб турибмиз. Бу ўз навбатида, муайян самараларни ҳозирдаёқ бермоқда.

Ўзбекистон энгил саноати 1992 йилда хўжалик алоқаларини ривожлантириш ва МДХ кўмагида мамлакатларини иқтисодийта анчагина пасайишига қарамай, республикаимизга вазират барқарорлиги тўғрисида халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаришини 115 фондалаши ошириб бажаришга муваффақ бўлди.

Кейинги йилгирма беш йилда биринчи марта ил газлама ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган ҳажимлар бажарилиди ва уларни ўстириш суъратлари анчагина ошди. Бу, тармоқ самарадорлигини янада оширишга ҳаётбахш омили бахш этди. Ҳусусан, 1993 йил дастлабки чораги натижаларига кўра, 53 миллиард сўмлик халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилиди.

Бугунга келиб корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш юзасидан тинимсиз ишлангил давом этмоқда. Газламаларнинг, кийим-кечаклар ва пойабзалларнинг янги урфдаги моделлари яратилди. Улар ўзининг истеъмол хусусиятлари бўйича хорижий ва МДХ мамлакатлари фирмаларининг маҳсулотларидан сира ҳам қолшмайди.

Сизнинг илгор технологияга, ишлаб чиқаришнинг замонавий тузилмаларига эга бўлишга, бундан чет эл инвестицияларини жалб қилишга қаратилган йўл-йўриқларингиз хорижий фирмалар билан ҳамкорликда қўша-корхоналарни вужуд-

га келтириш негизида амалга оширилмоқда. Эндиликда республика ресурсларидан кенгроқ фойдаланиб, хорижий ва МДХ мамлакатларидан хом ашё ва материаллар келтиришни режаласи асосида келтириб бориш асосий масалга айланган. Биз шу йўналишда бир қатор тадбирларни амалга оширяймиз.

Бу соҳада қўзланган дастуримиз бажарилса, республикага хом ашё ва бошқа ресурсларни келтиришни аниқлаб келтириш, пахта толасини 70—75 минг тоннага, нитрон толаси ишлаб чиқаришни 8,0 минг тоннага кўпайтириш ҳамда 200 миллион долларлик маҳсулотларини чет элларга чиқариш имконияти яратилди.

Тармоқ ходимлари бундан буюн ҳам ўз олдларига қўйилган вазифаларни бажариш ҳамда республиканинг экспорт имкониятларини кўпайтириш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги илчи ўринларини яратиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш ишига салмоқли ҳисса қўлиш учун барча чора-тадбирларни кўриб, деб Сизни қатъий ишонтирмамиз.

Қадри Ислон Абдуғаниевич! Биз республикада аҳволни барқарор сақлаш ҳамда тармоқда самарали меҳнат қилиш учун барча шарт-шароитларини яратиб бериш бўйича олиб бораётган олижаноб ишларингиздан гоят миннатдоримиз!

Сизга мустаҳкам сийхат-саломатлиги, узоқ умр ва жонанжон Ўзбекистонимиз фаровонлиги йўлида муваффақиятли иш олиб боришингизга тилақдошимиз.

Ўзбекистон энгил саноат давлат уюшмасининг кенгайтирилган кенгаши қатнашчилари.

ОСОБО

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНING АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

ТАДБИРКОРЛИК—ДАВР ТАЛАБИ

Бирлашмамиз асосан виллот қайта тикланган сўнг Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари вазирлигининг 1992 йил февраль ойдаги 32-сон буйруғи билан ташкил топди. Жумҳурят Президентининг 1993 йил 26 январь Фармони ва Вазирлар мажлибасининг ўтган йил 5 февралдаги

«Ўзавтоёул» давлат акционерлик концернини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш масалалари ҳақидаги қарорига асосланиб, виллот йўл тўжалигини ривожлантиришни мувофиқлаштириш Кенгаши «Навоийавтоёул» давлат акционерлик бирлашмасига айлантирилди.

миллион сўмни ёки 55—60 фоизини йўллари сақлаш ва қайта таъмирлашга сарфламочимиз. Қолган 40—45 фоиз эса йўллари тўла капитал таъмирлашга ишлатилади. Энди режаларга тўхтайдиган бўлсак бу йил биз 121 километр масофадаги йўллари сифатли ремонт қиламиз. 23 километр шағал тўқилган ва 20 километри тупроқ йўллари қора қоплама ётказамиз. 85 километр йўлни эса тўлиқ таъмирлаймиз. Амалдаги йўлнинг ўтган ойлари давомида биз қатор хайрли ишларни рўйбега оширдик. Энг муҳими бу—бирлашмамизда 1995—2000 йилларга мўлжалланган ви-

яно бир зудлик билан ҳал этадиган ишларимиз мажмуига виллот йўлларида транспорт қатновини тўғри ташкил этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари киреда. Ана шу мақсадда биз виллот давлат автомобиль назорати билан ҳамкорликда то 2000 йилгача бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш профилактика ишлари дастурини ҳам тўзиб чиқдик. Бу дастур ва тадбир виллот ҳокимлиги томонидан юқори баҳоланди. Бу тадбирлар асосида жорий йилда 10 километр масофада пиледалар йўлаклари қуриш, 20 та автопильонлар барпо этиш, 33 километр узунликдаги


кега, йўл созлаш асбоб-ускунасига ҳам тўлиқ эга эмасмиз. Учинчидан кўп ҳолларда ишга масъулиятсизлик билан ҳам қараймиз. Агар эътибор бўлиб, йўлга айилмаган қоричиқа иссиқлиги ва мавжуд ҳам ашёсини олса, бунинг устига ишлов пухта-пишқ бўлса, шубҳасиз асфальт-бетон йўллари сифати икки—уч йилга эмас, аксинча ўн йилга кетади. Ҳозирги тағлиқ, танқислик даврда қўшимча ҳаракатларнинг олдини олиш, тежамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ана шундай ёмилкор, тадбиркор бўлган ҳолда ишлашимиз керак.

Тўғри, тан олиб айтиш керакки, бизнинг виллотда республика аҳамиятидаги ва вилоятларга йўллар у қадар текис ва раво эмас. Шундай экан ҳали кўп ишларимизга тўғри келади. Масаланинг яна бир томони қадрлар масаласига бориб тақалади. Очқич эътироф этмоқ керак малакали, билимдон мутахассис кадрларга тўлиқ эмасмиз. Масалан ўтган бир йилнинг ўзига мольнивий, иқтисодий, қийинчиликлар туфайли 619 нафар инженер-техник йўлчи ходимларнинг иш ўринлари қисқартирилди. Натигада 2,5 миллион сўмлик маблағ тежалди. Гап нўрнин тежамкорликда эмас, албатта. Агар ана шу қадрлар ишдан бўшатилмаганда эди, иш бир қадар олдинга силжиган бўларди.

Бирок биз қўшимча резерв ва имкониятларни ишга солган ҳолда ойлик йиллик режаларни ошириб бажарамиз. Озичлик билан бўлсада, кўпроқ, самаралироқ ишлашга ҳаракат қилаёلمиз. Аини кезде бутун диққат-эътиборини йўл қурилиши ва таъмирлашни сифатига қаратганмиз.

Жамоамизни меҳнат аҳлини иқтисодий ҳимоялаш бош вазифамиз саналади. Биз ҳозирги нарх-наводан келиб чиқиб, ҳар бир йўлсознинг ўртача ойлигини 4,5—5 миң сўм қилиб белгилаганмиз. Йўл қурилиш инженер-техниклари, муҳандислари ойлик маоши эса 8—10 миң сўмни ташкил этади. Бирок бу пул билан она-ла тебратил, тиричилик қилиш нихоятда мушкул. Ана шуларни ҳисобга олиб, йўлсозлар маошини яна ошироқчимиз. Бу шубҳасиз бирлашма иқтисодийга, рентабеллигига боғлиқ. Худди шу ўринда яна бир нарсани қўшимча қилмоқчиман. Биз шароитдан, иқтисодий-техник ҳимоя қилиб, йўлсозларнинг тушлик овқатини, йўлқирасини ҳам бирлашма ҳисобидан қоплашга ҳаракат қилаёلمиз. Шу билан бир қаторда бирлашмамиз хотин-қизларини иқтисодий ҳимоялашни ҳам бутун чоралар билан қучайтираёلمиз. Бирлашма хузурида 140 ўринли болалар боғчаси бўлиб, унда йўлсозларнинг фарзандлари бақам қўст тарбияланмоқда. Шунингдек, соғломлаштириш пунктига ҳам эгамиз.

Бу кишини Ҳалимжон Шоназаров дейдилар. Тўғри, ҳайдовчилар ичда машҳурлар кам бўлади. Аммо Ҳ. Шоназаров меҳнат орқасидан қадр тошганлардан.



Сўз—йўлсозларга

Б. АБДУЛЛАЕВ, Қизилтепа автомобиль йўллари бошқармаси бошқиси

Бошқармаимиз йўлсозлари ҳақинидаги намунави ҳизмат қилиш, автомобиль йўллари текис ва раволигини таъминлаш астойдил меҳнат қилмоқда. 378 кишидан иборат йўлсозларимиз ўтган 1992 йилни муваффақиятли аянашди. Йўллари сақлаш ва созлаш, янги йўллар қуриш, жорий таъмирлаш мақсадида 40 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилди. Аиниқса, қатъий назоратимизда бўлган 568 километр узунликдаги умумий соғломлаштириш йўлининг хавфсизлигини таъминлашда, унинг сифатини таъминлашда кенг қўламдаги ишларни бажардик. Бу йўлнинг жорий ремонтини учун 17 миллиондан кўп маблағ сарфланди. Бундан ташқари пудрат бўйича ўтган йил 10 миллион 128 миң сўмлик иш бажардик. Бу ўринда асосан Ўрта-чўл массив хўжалиқларидаги ишминини алоҳида қайд этмоқ керак. Мазкур массивнинг Латиф Аҳмедов ва «Зардор» ижара хўжалиқларида 13 километрдан ортиқ янги йўллар қуридик.

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Агар амалдаги йўл режалариндан ҳам келиб чиқадиган бўлсак, бу йил биз 100 миллион сўмлик қуриш-таъмирлаш ишларини бажаришимиз керак. Ўтган ойлари давомида 20 миллион сўмлик у, ёки бу йўл қурилиш ишлари амалга оширилди. Биргина йўллари сақлаш, қатновини тўғри таъминлаш, автомобиль ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига қисқа вақт мобайнида 7,5 миллион сўм сарфланди. Ҳозирги кунларда йўлсозларимиз умумий соғломлаштириш йўллари билан бир қаторда вилоятларда ҳам ички хўжалиқ йўллариини жорий таъмирлаш ва созлаш ишларини олиб боришга ятти. Айниқса, Бухоро — Навоий катта магистрал йўли, Қизилтепа — Қўган йўлининг Қўйимзор орқали ўтадиган қисмида ишларини диққатга молиқдик. Бу сингари қуриш, таъмирлаш ва созлаш ишларида Қўлдош Эргашев, Ҳамидулла Ҳамидов, Умар Орзикулов, Комил Муҳиддинов, Алберт Каримов, Сайфиддин Эгамов, Наби Ҳодиев, Истам Қанбаев сингари авторгайдерлик, бульдозерчи, қора қоплама ётказувчиларимиз алоҳида жонбошлик кўрсатишмоқда.

Ўтган келганда таъкидламоқ жоиз. Биз ҳамisha ҳам кўнгулларимизни иш бажараямиз, ўта пишиқ ва сифатли йўллар қураёلمиз, деб бўлмайди. Тан олмақ керак, кўп ҳолларда шовшинин равишида йўл қураимиз ёки йўл тўзатамиз. Билгини, шовиб қилинган ишда сифат ҳам, сурат ҳам бўлмайди. Бунинг устига йўлсозларимиз асосий ишларини саратон фасли, яъни июнь, июль ойларида бажаришга ҳаракат қилишди. Чунки бу ойларда қилинган асфальт ҳам, бетон ҳам ўта пишиқ ва пухта бўлади. Бирок бир йилга режалаштирилган йўл қуриш, асфальт ётқиши ишларини атиги 2 ойда қилиб бўлмайди-ку! Шунинг учун халқдан дашном шитамиш. Йўллар сифатсизлигиндан нолийимиз. Менимча, худди шу шовша-шовшарликнинг олдини олмақ керак.

Ҳозир йўлсозларимиз асосан хўжалиқлараро тупроқ, тош, йўллари созлаш, таъмирлаш ишлари билан машғул. Шунингдек, биз бошқармаимиз назоратида бўлган 568 километри катта магистрал йўлда ҳам жорий таъмирлаш ишларини бажараямиз. Шу билан бир қаторда Зарофшон, Навоий, шаҳарлари йўл қурилиши бошқармаларига ҳам амалий ёрдам кўрсатаёلمиз. Насиб бўлса май ойи ўртагиларига бориб, тўласинча асфальт ётқиши, қора қоплама ёйиш ишларига киришимиз. Июнь, июль, август ойларига бориб эса ишларимиз янада қизиб кетади. Илож бўлса, бу йил бажарган ишларимиз бутунгига нисбатан анча ошад. Чунки, виллот йўл қурилиши бошқармасининг «Навоийавтоёул» давлат акционерлик бирлашмасига айлантирилган ишларимизнинг қисмидаги таъмирлаш, янги муаммоларнинг аниқлишига олиб келди.

Бундан ташқари «Ўзавтоёул» давлат акционерлик концернини ҳам маблағ масаласида муттасил ёрдам қилмоқда. Аиниқса, ҳам шў таъминотида, замонавий йўл қурилиш техникалари масаласида, шунингдек, ёйиш муаммосида тегишли ёрдамни олаёلمиз. Демак, фақат ишларимиз, сифатли йўл қуришимиз керак, холос. Энди иқтисодий тағлиқ даврда йўлсозларнинг иқтисодий ҳимоялашни хусусида қисқача гапирадиган бўлсам, биз бошқарма иқтисодийдан келиб чиқиб, йўлсозларимизнинг маошини икки—уч бараварга оширдик. Йўлсозлар учун тушлик овқатини айтириб бепул қилдик. Шунингдек, бемор бўлган ёки отпускасини олиб кюрортларга бориш истегини билдирганлар учун ҳам қатор қулайликлар яратиб бердик. Хуллас, жамоамизнинг туриш-туришу, яшаш шароити ҳақида доимий равишда қайғуриб келяёلمиз. Худди шу гэмхўрликлар натижаси бўлса керак, бошқармаимизда қўлба оюқлар қўлга киритилиб, иқтисодий юксалмоқда.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Аини пайтда «Навоийавтоёул» акционерлик бирлашмаси бўйича жами 44 та авторгайдер, 50 та у ёки бу марказдаги бульдозер, 40 та экскаватор, 29 та шибболович машина бор. Улар барча йўл бошқармаларига тақсимланган. Бундан ташқари бирлашма 5 та асфальт заводи ва 2 та тош сараловчи цехларга ҳам эга.

Бирлашма йўлсозлари аини пайтда «Узқудуқ — Белтау», «Касба — Марат», «Авангард — Оқбўта» йўналишидаги йўл қурилишнинг тезкорлик билан олиб боришга ятти. Агар бу йўллар қуриб, ишга туширилса, Узқудуқ билан Қизилтепа орқали ҳам раво асфальт йўл вужудга келади.

Ушбу саҳифани «Ўзбекистон овози» газетаси муҳбири Латиф Норбоёв ШАКАРОВ ва Музаффар ШАРОПОВ тайёрлашган.

ҲАМ ТЕКИС, ҲАМ РАВОН ИЙЎЛЛАР

А. ИСТАМОВ,

«Навоийавтоёул» давлат акционерлик бирлашмаси раиси



монидан назорат қилинади. Худди шу йўналишдаги йўллар, кўприклар, сув қувурлари учун хизмат қиладиган, уларни қайта таъмирлашда, созлашда қўл келадиган техника воситалари масаласига келсак, ҳозирча қўлимизда 44 та авторгайдер, 50 та у ёки бу марказдаги бульдозер, 40 та экскаватор, 29 та шибболович машина, 2 та қора қоплама ётказувчи мослама бор. Бундан ташқари 5 та асфальт заводи, 2 та тош сараловчи цехга эгамиз. Бирок, бу алимосдан қолиб кетган техника турлари билан йўллари раво, кафтдек текис қилиш, уларни вақти-вақти билан таъмирлаб, хавфсизлигини таъминлаш нихоятда мушкул. Янги техника сотиб олиш эса бугунги бозор муносабатлари, нарх-наво муттасил ошиб бораётган даврда ягона орау, холос. Биргина йўлсозларнинг асосий қуроли бўлган оддий йўл текисловчи грайдернинг ўзини оладиган бўлсак, ҳозирги баҳода у қарийб ўн миллион сўм. Шунингдек, йўл қурилиши учун нихоятда зарур бўлган экскаватор ва бульдозерлар харид нархи ҳам осмонда. Энг аниқларис, бу — сўилар тугул тийинлар

сизми! Назаримда ҳозирги шароитда бирлашма ва бошқармалари, қурилиш ҳамда қайта таъмирлаш корхоналари иқтисодийнинг туя қиладиган бирдан бир манба бу — аиниги ва эҳтиёт қилмас ҳаражатидир.

Бирлашмаимизнинг ҳам иқтисодийнинг пароканда қиладиган асосий воситалар худди шулардир. Бирок интиган дар қолмас экан, «Йўлдан кимок, изланган баҳона қидирадик, деганларидек ўтган йили бирлашмаимиз учун ташкилий давр саналсада кенг қўламдаги бунёдкорлик ишларини бажардик. Виллот бўйича 120 километр йўл қайта таъмирланди. 13 километри масофадаги тупроқ йўлга қора мойли қоплама ётқиздик. 23 километрга шағал қопламалари йўл асфальт қилинди. Аиниқса, Қизилкум кенгликлариде қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Масалан, Узқудуқдаги 4Р—60. Оқбўта—Марат йўлининг 20 километрга қора қоплама ётқиздик, 2 миллион 379 миң сўмлик иш бажарилди. Шунингдек, бутлуқ виллот маркази ега Навоий шаҳри марказий кўргонини йўллари таъмирлашда ҳам қўпгина ишлар қилинди.

Йўл ақаларини мустақамлаш ва 13 та йўловчилар учун махсус автобкатлар бунёд этиш кўзда тутилган. Ҳозирдаёқ бу ишлар оммавий бошлаб юборилди. Фақат буларгина эмас, биз ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, йўл белгилари қўйиш, уларни вақти-вақти билан янгилаб туриш, йўл хавфсизлиги учун жамоатчилик қучига тавниш борасида ҳам қўпгина ишларни амалга ошираёلمиз.

ХАЛКИМИЗ беҳудага: «Йўл азоби — гўр азоби», деб деб таъриф бермаган. Йўллар раво бўлишга ўйидан-чўқур бўлса, киша лой, ёзда чанган жорламасан шубҳасиз йўлсозлардан ўпқалайсиз-да! Қани энди, йўллар хориний мамлакатлардаги сингари кафтдек текис, ойнадек тиниқ бўлса? Масалан, Олмония ёки Америкада йўллар биздаги сингари ҳар йил эмас, аксинча, ўн йилда бир таъмирланар экан. Кичик бир Шри-Ланка, Лаос, Камбоджа сингари, энди ривожланиётган мамлакатларда ҳам йўллар таъмирлашни ўн-ўн беш йилга тўғри келар экан. Бизда бўлса, йўллари, аиниқса, ички йўллари ҳар йили бир созламаса бўлмайди! Хўш, нега шундай? Нима учун сифатли таъмирлашни иложи йўқ! Ҳа, ҳамма гап ана шунда-да! Биринчидан бизнинг Ўзбекистон шароитида ер ости сувлар ер юзасига нихоятда яқин. Иккинчидан йўл учун ишлатилган ҳам ашёларимиз: ҳоҳ у битум бўлсин, ҳоҳ у иссиқ асфальт бўлсин талабга жавоб бермайди. Шунингдек, замонавий техник-

ри-вожлантириш узоқ йиллик программасининг ишлаб чиқилганидир. Ана шу дастурга асосан М—37 Самарқанд — Бухоро йўли халқаро йўллари даражасида созланади. М—37 Навоий — Узқудуқ йўлининг кенг ва текислиги таъминланади. Навбахор — Хатирчи районлараро 4Р—48 йўли таъмирлаш қучайтирилди. Аиниқса, — Лангар Чуя йўли қурилишини тугатиш, Нурота — Сувлук йўлини кенгайтириш, Қизилкум халқа йўлини Жиззах катта магистрал йўли билан бирлаштириш асосий иш мезоимини саналади. Шунингдек, Қизилкум сарҳадлари оралигидаги Узқудуқ — Оқбўта—Марат Бўстон — Ўзбекистон йўлларида ҳам кенг қўламдаги тузатиш ва созлаш ишлари бажарилди.

Бу сингари катта ҳажмдаги ишларни тезу соҳ амалга ошириш учун республика химия илмий текшириш институти билан биргаликда суяқ нефть маҳсулотларини қайта ишлаш йўли билан сифатли ва шариоитимизга ўта мос битум олиш устида самарали иш олиб бораяёмиз. Бундан ташқари биз жумҳурият автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат концерни билан биргаликда Узқудуқ районидеги «Авангард» давлат ўқувчилигини Қозғистон Республикасининг Қизил Урда вилоятигача чиқариш йўлининг иқтисодий асосини ўрганаяёмиз. Бу ўринда шубҳасиз қозғистонликларнинг ҳам амалий қўмаги бўлмоғи лозим.

Хуллас, жамоамиз аҳли учун қўлдан келган ҳамма иш қилаёلمиз. Чунки, йўлсозларимиз шарт-шароити аҳли бўлса, уларнинг сқдат-саломатлигини таъминланса-

гина ишминизда барака бўлади. Барака бор жойда эса унумдорлик ва самарадорлик юқоридир.

Азинком Истамов 1943 йилда Навоий районидеги Дўрмон қишлоғида тутилган. 1969 йилда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригадациялаш ва механизациялаш муҳандислари олийгоҳини тугатилган. Меҳнат фаолиятини Бухоро қурилиш монтаж бошқармасида қарашли Навоий бўлимида оддий гидротехникликдан бошлаган 1972—1975 йилларда виллот ва район қишлоқ хўжалиқ бошқармаларида бош муҳандис бўлган. 1975—1977 йилларда виллот партия қўмитасида қишлоқ хўжалиқ бўлими раёбарчилиги бўлиб ишлаган. Кейинчалик узоқ йиллар давомида Ромитан, Навбахор, Иштихон районлари партия қўмитасининг биринчи котиби сифатида фаолият кўрсатган 1990 — 1992 йиллар давомида Навоий район ижроия қўмитаси раиси Ўтган йил мартдан, яъни Навоий виллотни қайта ташкил топганидан кейин «Навоийавтоёул» давлат акционерлик бирлашмаси раиси бўлиб ишламоқда. Оилали 5 та фарзанди бор. Узбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси.

Жорий йил режалари, амалга оширилиши керак бўлган ишлар масаласига келсак Вазирлар маҳкамасининг ўтган йили 31 октябрда чиқарган 504-сон қарори асосий иш дастури бўлиб саналади. Яъни биз корхона ва таъминотларлик йўлларида фойдаланганлик учун олган маблағнинг айтириш ҳаммасини автомобиль йўллариини сақлаш ва қайта таъмирлашга сарфлаямиз. Лекин нарх-навоини ойма-ой ошиб бораётганидан келиб чиқиб, бу йилги тушимиз 52

қўлдан келган ҳамма иш қилаёلمиз. Чунки, йўлсозларимиз шарт-шароити аҳли бўлса, уларнинг сқдат-саломатлигини таъминланса-

гина ишминизда барака бўлади. Барака бор жойда эса унумдорлик ва самарадорлик юқоридир.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

«Навоийавтоёул» давлат акционерлик бирлашмаси тарихида 10 та шаҳар ва районлар йўл бошқармалари мавжуд. Шунингдек, бирлашмаимиз ўз лойиҳа ва тадқиқот экспедицияси бўлиб, бу экспедиция лойиҳаловчилари бугунги кунда амалий фаолият кўрсатишмоқда.

«Навоийавтоёул» акционерлик бирлашмасининг 2000 дан ортиқ йўл назоратчилари, йўл қурувчи ва таъмирловчи инженер-техник ходимлари бўлиб, улар гахўрликлар билан қуришб олган. Йўлсозларнинг дам олиш, бўш вақтларини намуналик ўтказишлари учун қатор қўлайликлар яратилган. Шунингдек, бирлашмаимиз 140 ўринли боғча бор, унда йўл қурувчи ва тузатувчиларнинг фарзандлари меҳр билан тарбия қилинмоқда.

Бирлашмага қарашли йўллар 11091 километрдан иборат. Шунинг 6289 километри ички хўжалиқ, таъминот, корхона йўллари, 268 километри шаҳарлар, 4534 километри эса умумий соғломлаштириш йўллари. Умумий соғломлаштириш йўллариининг 302 километри умумдавлат, 3101 километри жумҳурият, 295 километри эса виллот аҳамиятидаги йўллар саналади.

Ўтган йили бирлашмада йўлдан фойдаланганлик учун солиқ ва тушумлар ҳисобидан 212 миллион сўмлик тўлов йўнғилди. Шунинг 3 миллион сўми автотранспорт корхоналаридан 3,5 миллион сўми эса савдо ташкилотларидан йўнғилди. Ушбу маблағларнинг ҳаммаси виллот йўл хўжалигини ривожлантиришга сарфланди.

1992 йилда бирлашмага қарашли йўл қурилиши ва таъмирлаш корхоналари — ДРУ, ДУ, ЭЛУлар тугатилиб, ягона тизимдаги автомобиль йўл бошқармалари ташкил этилди. Натигада тежамкорлик янада ахишланди.

САФАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Ф. ЖАЛИЛОВ, бошқармасининг ишчиси.

Қаҳонки, юраётган йўлнинг таъкис ва тўлиқ бўлсагина сафарингиз беҳатар бўлади. Бунинг асосий иш бехатар деб билган бошқармаимиз қурувчилари бор маҳорат ва тажрибаларини ишга солишиб, йўллариини раво бўлиши, сифатли таъмирлашни учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Агар биз йўлсозлар ўтган йили жами 20 миллион сўмлик иш бажарган бўлсак, жорий йилда бу кўрсаткиччи 32 миллионга етказмоқчимиз. Ана шу мақсадда амалдаги йўлнинг ўтган ойларида кенг қўламдаги йўл қурилиши ва созлашни ишларини бажардик. Аиниқса М-37 халқаро йўлидаги ишларимиз янада диққатга сазовор. Мазкур саркатнов йўлининг 6 километрини капитал таъмирладик. Шунингдек, «Умид» посёлқаси қўчалари ва йўлларида 3,5 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажардик. Булардан ташқари биз йўлсозлар пиледалар йўлаклари қуриш, мактаб ўқувчилари учун ўтиш ва

бедлашиб ишлашлари туфайли бошқармаимизда ойна, чоралиқ режалар мунгазам ошириб бажарилмоқда. Масалан жорий йил биринчи чорак режасини ҳам мундатдан анча олдин яъни март ойидаёқ ошириб бажардик. Режадан ортиқ қарийб 2 миллион сўмлик иш бажарилди.

Насиб бўлса йиллик режани Ўзбекистон истиқлолининг 2 йил бақирами қўнғача шараф билан уйдаяёмиз. Бунинг учун бизда етарли имконият ва резервлар бор. Мақсад фақат йўллариини сифатли қуриш ва таъмирлашдан иборат. Юқорида қайд этганидек, йўллар текис ва тўлиқ бўлсагина сафар бехатар, манзил яқин бўлади.



М
ни
М
шу
лок
ўлч
М
ҳар
оли
тари
эма
хур
либ
ган
йўл
бир
рих
ру
дир.
С
га,
ятла
қоди
қўй
эди
бери
халь
тиш
мия
тадс
Пой
ру
да
қил
якд
Дея
да
куш
бора
Ўзе
сафс
бир
лик
фук



ГУРУНГ. Абдувоҳид ТУРАЕВ фотолавҳаси.

ТАБРИКНОМА

Хурматли Мўйдинжон тоға ИСҲОҚОВ!
Қутлуғ 60 ёшингиз муборак бўлсин. Сиз узоқ йиллар Андижон вилоят ижроқўмида, бошқа турли лавозимларда, ҳуқуқшунослик соҳасида фаол меҳнат қилгансиз. Айни дамларда вилоят табиати муҳофазасида қилган қўмитасида виж-

БИРИНЧИ ҲИКОЯ

ИШЛАЙДИГАНЛАРНИНГ ЗАМОНИ КЕЛДИ

Газетамиз учун тўрт эллик мақола ёзиб беринг, деган таклифимни эшитиб, ранс кўлиди.
— Вақтида партия ташкилоти қотиб бўлиб ишлаганман. Хўжалигимиз фаолиятига оид маърузалар менинг қўлимдан ўтарди. Газетага ёзишга эвми йўқ эмасди. Энди ёзишим қийин, — деди ранс узр сўрагандай бўлиб.
— Ранс бўлганидан сўнг...
— Йўқ, Мени тўғри тушуинг, — дейди Маматқул ака яна қўлиб. — Гап ёзишда қўл чиқиб кетганда эмас Илгари биласиз, йиллик режаларни ошриб бажарамиз, одамларимиз фаровон яшашти, деб ёзиш осон эди. Чунки бу гапга ҳамма гўё ишонарди ёки кўп ҳам эътиборга олиб ўтирмасди. Бугун... Еддингиз, демек мақолаида бирон дуруст «ган» бўлмоғи керак.

Бироқ, Маматқул ака бари-бир «ган»ини айтди: — Сугориладиган еримиз — 2400 гектар. Аҳолимиз 13 минг. Бир жон бошига 18 сотихдан ер тўғри келади. Яна беш-ўн йилдан сўнг бу улуш тенг ярмига қисқармоғи мумкин. Ва бугун бизнинг қимлигимиз, бугун қандай ишлаётганимиз аслида беш-ўн йилдан сўнг равшанлашади.
— Мен унга, ўтган 1992 йилда хўжалик ёмон ишламади, чамаси, деган гапни шамма қилдим.
— Ҳа, режаларнинг бажарилиши ёмон эмас. Мана, ўқиб кўришингиз мумкин, — деб у менга жамоа хўжалиги бошқарувининг йиллик ҳисобот мажлисиде ўқилган маърузани узатди.
Маърузадаги битикларга эътибор қиламан: Хўжалик ўтган йили 206 миллион сўмдан кўпроқ даромад қилган. Унинг қарийб учдан икки қисми — 142 миллион пахтачиликдан келган.
— Лола Қувондиқова, Авазберди Хусанов, Абдуломит Хидиров, Мамарасул Махсумов, Топтемир Отақулов, Хусан Уринов, Абдуноир Эгамов, Турди Худойқулов, Рустам Бакиров каби илғорларимизни ёзиб олинг. Яхши ишлаганларини санай, версам, э-хе, бутун бир дафтарга сизмайди, — дейди ранс қўлиб. — Пахтачиликдан ҳозиргача келиб турган даромадимизни хамир учдан патир дейиш мумкин.
